

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 213 (10.016)

2003 ЙИЛ 3 НОЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Мамлакатимиз парламентида ўтган республика семинар-кенгаши Олий Мажлис Кенгашининг қарорига биноан шу йил ноябрь-декабрь ойларига тайинланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.

Семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг намояндлари, бир қанча шаҳарча ва қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинларининг раислари, Олий Мажлис депутатлари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, оммавий ахборот восиларининг вакиллари иштирок этди.

Семинар-кенгаши Олий Мажлис кўмитасининг раиси Э.Воҳидов олиб борди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичда уларнинг ролини ошириш тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов томонидан мамлакатимизнинг XXI аср бошларида ривожлантиришнинг илгари сурилган стратегик дастурининг амалга оширилиши муносабати билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига турган вазифаларга алоҳида тўхтади. Дастур жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштиришга, халқимиз фаровонлигини оширишга, ривожланган бозор иқтисодиётига йўналтирилган оқиб демократик давлат барпо этишнинг муҳим ва муқаррар шарти сифатида қонун устунигини, шахс, оила ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган. Фуқароларнинг сиёсий оғли ошиб, фаоллиги кучайиб боргани сари мамлакатда давлат тасаруфидоғи бир қанча вазифалар нодавлат тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма босқич ўтказила боради.

Олий Мажлис Раиси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов чинакам демократик асосда, амалдаги қонун ҳужжатларига тўла ва қатъий мувофиқ тарзда ўтказилиши зарурлигини таъкидлади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари ҳамда Конституцияда белгилаб қўйилган мустакил танлаш ҳуқуқини эмин-эркин амалга ошира олишлари учун қулай шaroит ярати бериши зарур. Сайлов кампаниясининг муваффақиятли ўтиши, уни мафқуравий жиҳатдан таъминлаш йўлида жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, барча даражадаги депутатлар, оммавий ахборот воситалари кўп иш қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова ўз сўзида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини давлат томони

дан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш, хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий турмушидаги роли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловдаги иштироки масалаларига тўхтади.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари тўғрисида гапирди. Сайлов кампаниясини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кадрлар танлашда ёрдам кўрсатиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош инспектори Э.Мухамедов нутқида ёриб берилди. Оммавий ахборот воситаларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги роли ҳақида семинар кенгаш қатнашчилари парламентнинг Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси У.Хошимовнинг маърузасини тинглади.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Усмонов, Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Ғаддйбоев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси Ш.Минавваров, Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Усмонов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов сўзга чиқди. Улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказилиши аҳамиятини таъкидлаб, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида бу органларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигида, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, қонунларга қатъий риоя этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш моҳиятига алоҳида урғу берди.

Семинар-кенгашда бўлғуси сайлов кампаниясига тайёргарлик йўсинида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иш тажрибаси алмашинилди. Сўзга чиққанлар маҳаллаларда олиб борилаётган ишларнинг янги шакл ва усуллари ҳақида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиши ҳамда миллий аънаваларни, урф-одат ва маданиятни тиклаш борасидаги ибратли ишлари ҳақида гапирдилар. Бир қанча доллар масалалар жойларда қай тарзда ҳал этилаётганлиги юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Пойтахтда Америкадан мамлакатимизда ишлаш учун келган 47 нафар кўнгилли қасамёд қабул қилди. Бу тadbирни АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси, халқ, олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш вазирликлари ташкил этди.

КўНГИЛЛИЛАР ҚАСАМЁД

Тadbирда АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Дэвид Эплтон, вазирликлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда кўнгиллилар тайёрлов даврида яшайдиган оидлар аъзолари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, 11 йил давомида 500 дан ортқ Америка фуқароси мамлакатимизда кўнгилли сифатида ишлади ва 10 минг нафар талабани инглиз тилига ўқитди. Ҳозирги вақтда Тинчлик корпусининг етти мингдан ортқ кўнгиллиси 70 мамлакатда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, таълим, кичик бизнесни ривожлантириш ва ОИТС тарқалишининг олдини олиш каби соҳаларда ёрдам кўрсатмоқда.

Бу галги қасамёд кўнгиллиларнинг 11 ҳафталик дастуролди тайёргарлиги ниҳояси бўлди. Тайёргарлик давомида улар ўзбек ва рус тиллари, маҳаллий маданиятни ўрганиб, ўз мутахассисликлари бўйича техник кўникмаларга эга бўлдилар. Энди кўнгиллилар республикаимизнинг барча вилоятларида соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб, ўрта мактабларнинг бошланғич синфларида инглиз тилидан дарс беришади.

ЎЗА

XXI саҳоси
Барча маълумлардан
оқиллар сўзига эътибор

Мамлакатимизда

● Афғонистон Ўттиш Исрол Давлати транспорт вазири Сайид Мухаммад Али Жовид бошчилигидаги хайъатнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди. Ташрифи якунида Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ўттиш Исрол Давлати ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

● Чирчиқ шаҳрида Қонад Аденауэр жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақаларо тadbиротлар институти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ташаббуси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● «ЭКОСАН» халқаро жамғармасида «Иқлим ва атроф-муҳит» мавзусида тadbир уюштирилди.

● Тошкент Давлат аграр университети қошида «Аграр технологиялар» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг тузилишини республикаимиз учун янги экспорт йўналиши — гулчилик тармоғини ташкил этиш йўлидаги дастлабки қадам сифатида баҳолаш мумкин.

● Чиноз тумани пахтакорлари давлат қабул пунктларига 20.000 тонна қимматбахо санoат хом ашёси топшириб, Тошкент вилоятида биринчи бўлиб шартнома-режасини бажардилар.

● Сурхондарё вилоятининг йирик туманларидан бири — Деновда ҳам давлатга пахта сотиш йиллик шартнома-режаси бажарилди.

Жаҳонда

● НАТО Бош қотиби лорд Жорж Робертсон яқин орада ўз лавозимини тарқ этади. У истеъфога чиққандан сўнг, ушбу лавозимни Нидерландия Ташқи ишлар вазири Яяпу де Хоопу Схефферу эгаллаши кутилмоқда.

● Ирокда ҳамон нотинч вазият ҳукм сурмоқда. Жумладан, Бағдодда отишмалар бўлиб ўтди, Фалуджа шаҳрида эса портлаш содир этилди.

● АҚШ Конгресси иш юридадиган Капитолия мажмуасида икки қонунбузар полиция томонидан ушланди. Ҳеч қандай рухсатномасиз Капитолияга кириб келган шахсларнинг сўмчаларидан ўйинчоқ тўппончалар топилди. Текширувлардан сўнг, ёш тартибузарлар қўйиб юборилди.

• ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Ўтган икки кун давомида Тошкент шаҳрида пойтахт жамоатчилиги, маҳалла фаоллари, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан мамлакатимизда ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши белгиланган маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари олдидан «Обод маҳалла — менинг фахрим» шиори остида ободонлаштириш ҳашари ўтказилди.

Ушбу ҳашарда шаҳримиздаги мавжуд 447 маҳалладан 600 минг нафар аҳоли, 310 та мактаб, 86 та коллеж, 32 та академик лицейлар, 28 та олий ўқув юртилари ҳамда шаҳримизда жойлашган қорхона, ташкилот ва ҳокимият тизимидаги муассасалар, шунингдек, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ҳашар қунлари Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси, туман ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар томонидан 500 га яқин техника воситалари ажратилди. Ободонлаштириш

ҳашарида пойтахтимиздаги барча кўчалар ва боғлар, қорхона ва ташкилотлар, ўқув даргоҳлари, маҳаллалар, қолаверса барча хонадонларга тегишли худудларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳазонлар йиғилиб, махсус жойларга кўмилди, дароҳт ва жонли деворларга шакл берилди, ерлар қоғилиб, баҳорги мавсумга тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Илгари хабар берганимиздек, «Экосан» халқаро жамғармасининг ташаббуси билан «Оролбўйи оналари ва болаларига» шиори остида 1 ноябрь куни республика экологик шанбалиги

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника боғида ҳам уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликда ўтказилди. Хайрли аънага айланган мазкур ҳашарда давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, таниқли санъаткорлар, эколог олимлар ва талаба-ёшлар иштирок этдилар.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: шаҳримизда бўлиб ўтган ободонлаштириш ҳашарида лавҳалар, Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.



**МИНТАҚАВИЙ
АКСИЛТЕРРОР
ТУЗИЛМАСИ
КЕНГАШИНИНГ
ИЛК ЙИГИЛИШИ**

Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро- рор тузилмаси (МАТТ) кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ташкилот Хартиясига мувофиқ, у ШХТнинг доимий фаолият юри- тувчи органи ҳисобланади.

Мажлисида ШХТга аъзо мамлакатлар — Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон махсус хизматлари вакиллари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Иноятов раислик қилди.

Ишчан руҳ ва дўстона вазиятда ўтган мажлисида 2004 йил 1 январдан ШХТ доимий органларининг фаолиятини йўлга қўйишни таъминлаш юзасидан ташкилотнинг 2003 йил 19 майда Москвада ўтган саммити келишувларини амалга оширишга оид масалалар кўриб чиқилди.

ШХТ МАТТ кенгаши раиси лавозимига бир йил муддатга Қирғизистон вакили сайланди.

ШХТнинг Минтақавий аксилтерро- рор тузилмаси тўғрисидаги битмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси вакили В.Қосимов номзодини МАТТ Ижроия кўмитаси директори лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилindi.

МАТТ кенгаши ШХТ Минтақавий аксилтерро- рор тузилмаси ижроия кўмитасидаги тегишли лавозимларни тақсимлаш схемасини маъқуллади.

ШХТ МАТТ доирасида аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашнинг истиқболли йўналишлари ва МАТТ Ижроия кўмитасининг асосий вазифалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ШХТ МАТТ кенгашининг навбатдаги мажлисини 2004 йилнинг биринчи ярмида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

(ЎЗА)

Токионинг Хибия боғида Япония Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган Халқаро ҳамкорлик фестивали бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Токио марказидаги Хибия боғи ўзининг жозибаси, мафтункорлиги ҳамда сўлим гўшалари ила бутун Японияда дам тартатган. Император Акихито саройининг ёнгинасида жойлашган ушбу фусункор маскан нафақат шаҳар аҳли, балки кунчиқар мамлакатга ташриф буюрувчи сон-саноксиз сайёҳларнинг ҳам сеvimли зияратгоҳи ҳисобланади.

Шу кунларда ўзининг юз йиллигини нишонлаётган Хибия боғида Халқаро ҳамкорлик фестивалининг ўтказилиши ушбу тад-

бирга бўлган диққат-эътиборнинг янада ортишига сабаб бўлди.

Мана ўн йилдирки Япония ҳукумати томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Халқаро ҳамкорлик фестивали мамлакат аҳолисига турли давлатлар билан мавжуд ўзаро алоқалар моҳиятини батафсил очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Анъаналардан фарқли ўлароқ, бу сафарги фестивал дастуридан МДХ мамлакатларининг ягона вакили - Ўзбекистон Рес-

публикаси кўргазмаси ҳам жой олди.

Унда Ўзбекистон ва Япония ўртасида йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик мавзуга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз сайёҳлик салоҳияти, сармоявий имкониятлари ва бой маданий мероси ҳақида атрофлича маълумот беришни ушбу кўргазма фестивал иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир Япония ҳукуматининг нафақат Марказий Осиё, балки бутун МДХ маконидан айнан Ўзбекистон билан ўзаро фойдали муносабатларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганининг тасдиғи бўлди.

**Б.АЛИМОВ,
"Жаҳон" АА**

Мажлиси Давлат мулки кўмитаси раиси М.Аскарлов бошқарди.

Мажлисида ҳисобот даврида 1029 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган қайд этилди. 496 корхона ва 6425 кўчмас мулк объектнинг умумий қиймати 13,91 миллиард сўм ва 20,07 миллион АҚШ долларига тенг акциялари пакети ҳамда улуши сотилди. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида барча манбалар бўйича умумий тушум 33801 миллиард сўмини ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 марта кўпдир.

Таъкидландики, ҳукумат қарорлари асосида хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари қиймати босқичма-босқич камайтириш, шунингдек, сармоядорларга кам даромадли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий жиҳатдан ноқар давлат корхоналари ва тез пулга айланмайдиган объектларни энг паст нархларда инвестиция киритиш мажбурияти билан сотиш механизми жорий қилинди.

Қатор соҳаларда, шу жумладан аввал ортда қолаётган тармоқларда давлат активларини сотиш бўйича ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва бошқа ташкилотларда маблағлар тушуми таъминланди.

Сармоядорларга 22,72 миллион АҚШ доллари ва 1,702 миллиард сўм микдорда инвестиция киритиш мажбурияти билан 37 корхонанинг умумий қиймати

18,83 миллион доллар ва 450 миллион сўмлик активлари сотилди.

Давлат мулки кўмитаси матбуот хизматидан олинган хабарга кўра, 2003 йилнинг 1 октябрь ҳолати бўйича кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 34,1 фоизни ташкил этди. 260,2 мингта кичик ва ўрта бизнес корхонаси

га бағишланган мажлисида Давлат мулки кўмитасининг хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган прогноз кўрсаткичларини ба- жарош, иқтисодий ночор корхоналар ва объектларни сотишнинг кулай тизимини жорий қилиш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти мониторинги бўйича иши кўнгилдагидек эмас, деб топилди. Жумладан, кам фойдали, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштириш ҳамда сотишнинг кулай тизими секинлик билан жорий этилмоқда. Бошлангич нархни босқичма-босқич камайтириш механизмининг қўлланган ҳолда бор-йўғи 12 акционерлик

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ҳайъатининг ушбу кўмита ва республика бозор инфратузилмаси ташкилотларининг 2003 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширган ишлари яқунларида бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда қатор вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, Давлат мулки кўмитасининг тузилмавий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари иштирок этди.

рўйхатга олинди.

Республикамаизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини сони 85,5 мингтага, деҳқон хўжаликларини сони эса 25,7 мингтага етди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга доир қўрилган чора-тадбирлар натижасида республикада 291,3 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, прогноз кўрсаткичлари 124,1 фоизга бажарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ туманлар ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича ўз фаолиятини 1 октябрдан бошлаган 208 инспекция иши ташкил этилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 9 ойлик яқунлар-

жамиати акцияларининг умумий қиймати 165,3 миллион сўмлик давлат пакети сотилган, холос.

Тадбиркорларга хорижий кредит линиялари ҳисобидан бериладиган кредитлар ҳажми қарийб икки баравар қисқарди. Масалан, ўтган тўққиз ой мобайнида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 30,6 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларига Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси, Агросаноатбиржа, Ўзлугуржисавдо ва Ўзкўргазмасавдо орқали моддий-техник ресурсларни етказиб бериш ҳажми пасайган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига қараганда 87,5 фоизни ташкил этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов қатнашди.

**М.БОЛЛИЕВА,
ЎЗА мухбири.**

• АНЖУМАНЛАР

АХБОРОТ ОЛИШГА КЎМАКЛАШИЛДИ

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «ISO бошқарув тизимида сифат, устуворлик ва татбиқ этиш йўллари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Конференция «Ўзбекинвест» Миллий импорт-экспорт сугурта компанияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси Certification Network Mc GmbH (Германия) ва «Ўзбекинвест эксинформ» маркетинг агентликларини томонидан ташкил этилди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар фаолиятига стандартлаштириш ва бошқарув тизими сифатига халқаро тажрибани жорий этишга кўмаклашиш; бошқарув тизими сифатини сертифицилаштириш ва республиканинг экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарига профессионал ахборот олишга кўмаклашиш ҳамда хорижий ва маҳаллий компанияларнинг ўзаро тажриба алмашишига имкон яратиш мақсадида уюштирилди. Шуни айтиш керакики, «Ўзбекинвест» компанияси учун сифат билан таъминлаш унинг бундан кейинги ривожланиши учун стратегик асос ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда, шунингдек ривожланиш-

нинг истиқболли йўллари ҳамда янги шериклар излаш, мавжуд молиявий, техник ҳамда кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва бошқарувни оптималлаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги вақтда компания ISO 9001-2000 стандартларига жавоб берадиган менежмент сифатини босқичма-босқич татбиқ этиш жараёнини амалга ошираяпти. Ушбу лойиҳани татбиқ этиш жараёнида баъзи бир саволлар пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам маҳаллий экспорт килувчилар учун жаҳон тажрибасидан маълумот бериш мақсадида конференция ташкил этилди.

Тадбирда хориждан ташриф буюрган бир гуруҳ олимлар, жумладан RWTUV Systems GmbH (Германия) сертификатлаш органининг ваколатли менежери ва бошлиғи доктор Шульц, «Аэрофлот» — «Россия авиайўллари» бошқарув тизимида маъсул В.Сорока ва бошқа кўзга кўринган олим ҳамда мутахассислар иштирок этишди. Анжуман давомида барча иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шахло ҲОШИМОВА

**ПОЙТАХТНИНГ
Дўр Кўни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА
сатрларда

• БУГУНДАН эътиборан Тошкент Давлат педагогика университетининг иккинчи курс рус гуруҳи магистрантларига янги педагогик технологияларни ўқитиш бўйича дарслар бошланди. Ўқув жараёни университетдаги Инновацион технологиялар маркази томонидан ташкил қилинган.

• ОЛТИНЧИ ноябрь куни «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Биоэко-сан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси томонидан «Болалар ва сув» мавзусида экофестиваль бўлиб ўтади.


• ЧИЛОНЗОР туманидаги 2-«Чарх Камолон» маҳалласида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорликла-рида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, оила шифокори тизими, оилада тиббий маданиятни ошириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

• БУГУН «Тошмаргё» ҳиссадорлик жамиятида «Тил—дил кали-ти» мавзусида ўтказилган тадбирда жамият аъзолари иштирок этишди.

• МАЪНАВИЯТ ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлини ҳамда туман ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ҳамкорлигида «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Тил — миллат кўзгуси» мавзуларида давра суҳбати уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Оламда
нима ган?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Калифорния штатининг жанубида ўрмон ёнгинлари давом этмоқда. Ёнгинлар оқиба-тида 14 киши ҳаётдан кўз юмган, 550 га яқин уйлар вайронага айланган. Олов бошқа объекتلарга ҳам хавф солмоқда. Бир неча катта шаҳар аҳолиси ўз уйлари ташлаб чиқиб кетган. Уларнинг бир қисми факулдада вазиятлар хизматлари томонидан олиб чиқилган. Айни пайтда 80 минг гектар ер олов билан қопланган.

● Халқро Қизил Хочнинг Бағдоддаги бош қароргоҳи биноси олдида фожеа юз берди. Террорчи камикадэе амалга оширган бешта портлаш ҳаммаи саросимага солиб қўйди. Оқибатда 40 киши қурбон бўлди. 200 га яқин одам жароҳатланди. Қизил Хоч ўзининг 140 йиллик тарихи давомида бундай бедоликка учрамаган эди. Шу боис Қизил Хоч раҳбарияти ўзининг хориждаги ходимларини Ироқдан чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Рамазон мусулмонлар учун муқаддас ой ҳисобланади. Бу айта ҳатто бир-бирига душман икки давлат ҳам уруш ҳаракатларини тўхтатади. Бироқ Ироқ пойтахтидаги «Ал-Рашид» меҳмонхонасининг портлатилиши террорчиларнинг дини бўлмаслигини яна бир қарра исботлади. Пентагон раҳбарининг ўринбосари Пол Вулфовицга нисбатан уюштирилган мазкур теракт натижасида бир неча киши қаттиқ жардор бўлган. Хабарларга қараганда, террорчи қўлларнинг ракета отиши туфайли меҳмонхона ярим вайрона ҳолга келган.

● Порнографик фильмлар, зўравонлик, босқинчилик, қотиллик билан боғлиқ асарлар фуқаролар хулқ-атворида, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода Францияда кейинги кунларда амалга оширилаётган чеклашлар одамларга маъқул тушди. Бунинг учун барча кабелли ва самовий йўлдошлар билан боғлиқ каналлар ўзларининг қабул қилиш йўллари икки қалитли кодлар билан жихозлашлари керак бўлди. Лозим кодлар маълум томошабинларга берилади, 18 ёшга етмаганлар бундан маҳрум бўладилар.

● Лондондаги «Илм — фан» музейига қўйилган янги экспонат кўпчиликда қизиқшиш уйғотди. Чунки бу экспонат сув остида ҳам бемалол юриш имконини берувчи икки кишилик автомобилнинг биринчи намунаси. Бу автомобиль ўзига хос дизайнда ишланган бўлиб, дизель ёнилгиси ёрдамида ҳаракатланади.

● Австрияда яшовчи немис фуқароси Торстен Штортман 5,4 километрик тоғ йўлини автомобилда кўзи боғланган ҳолда босиб ўтди. Соатига 20 километр тезликда юрган машинада «кўр» ҳайдовчидан ташқари яна учта йўловчи ҳам бор эди.

Маҳалла сайлов арафасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори маҳалла ахлининг диққатини яна бир бор ўз маҳалласида олиб борилаётган ишларни кўрсдан кечиришга, сарҳисоб қилишга қаратди.

Нафсиламбирини олиб қарайдиган бўлсак, Обод маҳалла йилда маҳаллаларнинг қиёфаси кескин ўзгарди. Янги гузарлар, аҳоли турар жойлари қад кўтарди. Аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўзгалар меҳр-оқибати, мурувватига муҳтожларнинг кўнгли кўтарилиб, уларга ҳамма томондан қўмак берилди. Маҳалла ёшлари тарбияси, маҳалларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, янги спорт иншоотлари, майдонларини барпо этишда умумхалқ ҳашарлари ташкил этилдики, бу маҳалланинг ҳар биримизнинг ҳаётимизга катта таъсир қилаётганидан далолатдир. Ҳар бир маҳаллага қадам ранжида қилган киши ушбу файзли гўшаларда ободонлаштириш борасида олиб борилаётган ишларга беихтиёр шоҳид бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда Президентимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ижобати ҳар бир маҳалла мисолида ярқ этиб кўриниб қолди.

Олиб борилаётган ишларнинг кўламини шахримиздаги мавжуд 450 га яқин маҳаллалар мисолида кўрса бўлади. Маҳалла чинакамига Ватан ичидаги Ватанга, одамларнинг ташвиш ва қувончларига шерик, орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи ота-она каби меҳрибон гўшага айланиб улгурди. Шу билан бирга ҳар бир шахсининг камолот сари интилишида фикр, сўз эркинлигини кўз-кўз қиладиган, ҳар кимнинг Мен, деган сўзини айтадиган майдонга — Шарқ демократиясининг тимсолига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга ўргатадиган, ҳаётдаги ўз ўрнини топишга ёрдам берадиган дарсхонага айланди. Маҳалланинг жамиятимизда, фуқароларимизнинг турмушидаги тугган ўрнини эндиликда барча эътироф этмоқдаки, бундан қувонмоқ даркор. Юқоридаги фикрларимизнинг тўғрилигини Республика «Ижтимоий фикр» маркази томонидан мамлакатимизнинг барча туман, шаҳар ва вилоятларида истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари, турли тоифадаги кишилар орасида ўтказилган сўров натижасига қараб ҳам илғаб олса бўлади.

Сўровда қатнашган 1743 респондентларнинг 76,5 фоизи 2003 йилнинг ҳақиқатдан ҳам Обод маҳалла йили бўлганлигини қувонч билан эътироф этишган бўлса, 82,5 фоизи кўни-қўшнилари орасидаги ҳамжихатликни мустаҳкамлагани учун маҳаллага юксак баҳо берди. Сўралганларнинг 84,4 фоизи тўй, дафн ва маърака маросимларини тартибга солишда маҳалланинг имконияти борлигини айтишган. Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти маҳалла оқсоқоли билан ҳамнафас эканликларини очик изҳор қилишган.

Бундан шу нарса кўриниб туриб-

дики, маҳалла аҳолининг турмуш тарзида ўзининг бетақор ўрнига эга бўлиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда, ҳар бир шахснинг оиладаги муаммоларини ҳал этишда, кўни-қўшнилари орасида ҳамжихатликни

ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларини, шу жумладан мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларини ҳал этишга қодир шахслар орасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш вазифасини юклади.

Олий Мажлис Кенгашининг мазкур қароридан келиб чиқиб айтадиган бўлсак маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, маҳалла фаоллари халқимиз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва ҳисобот сайловларини «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун талабларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этиш, маҳалларда тўзилган ишчи-гурӯхлари аъзоларини ҳар томондан маслаҳат ва тавсиялар билан таъминлаш, номзодларни танлашда, кўча ва уйлар бўйича вакилар сайлаш ишларига яқиндан ёрдам бериши лозим.

Яна бир тақлиф шуки, масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб бу ишга шаҳар ва туман «Маънавият ва маърифат» марказлари, турли жамоат ташкилотлари, нотижорат, нодавлат ташкилоти вакиллари шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси атрофида жипс-лаштириш, сайловларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадаги мувофиқ бўлади, деган фикрдамиз.

Шунингдек, бошқариш тобора мушкул бўлиб қолаётган, аҳолиси 10-15 минг кишини ташкил қилган маҳаллаларни ихчамлаштириш, бу борада кучли фуқаролик жамиятининг куч-қудрати — ўша жамиятдаги жамоат ташкилотларининг қучлилиги ва уларнинг самарали фаолиятида эканлигини унутмаган ҳолда, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасидаги «Маҳаллани тўзиш, кўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан амалга оширилади», деган қоидага амал қилиб, ташаббусга кенг йўл очиб бериш даркор.

Жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги бу муҳим масалани ташкиллаштириш ва амалга оширишда газета тахририятларида махсус рўқнарни ташкил этиб унга маҳаллашунос олимлар, малакали ҳуқуқшунослар жалб этилса жуда ўринли бўлади.

**Неъмат ҲАСАНОВ,
доцент,
шаҳар маҳалла оқсоқоллари ва
«Маҳалла»
жамғармаси бошқаруви ва
раёсати аъзоси.**



ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАР ТАНЛАНСА...



таъминлашда, тўй маросимларини ташкиллаштиришда маҳалланинг аҳамияти улқандир. Лекин ҳали маҳалладек ноёб бир тизимнинг рўёбга чиқмаган муҳим жиҳатлари, турли жозибадор қирраларини илғаб, уларни ишга солиш учун анча-мунча ташкилий ишларни олиб бориш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш даркордир. Буни «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган тадбирда иштирок этганларнинг жавобларидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Мазкур сўровда қатнашганларнинг 27,7 фоизи «Сизнинг ҳаётингизда ва оилангиз ҳаётида маҳалланинг тугган ўрни қандай?», деган саволга «унчалик катта эмас» деб жавоб бериши, 17,6 фоизи эса маҳалла оқсоқолини билмаслиги, сўралганларнинг тўртдан бир қисми тўй-маросимларнинг бироз тартибга тушганлигини, лекин дабдала тўйлар ҳам ўтказиб турилаётгани ҳақида ўз фикрларини билдиришган.

Юқоридаги эътирофу эътирозлар шуни кўрсатиб турибдики, маҳалла ҳали ҳар бир одамнинг қалбида Ватан ичра Ватан бўлиб лозим даражада ўз ифодасини топа олмаган. Худди шуларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси туман ва шаҳарлар ҳокимларига фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор

марказимизда дастлабки малака ва кўникмаларга эга бўлади.

— Ҳарбий либос кийганимга бир соатча бўлди, — дейди хоразмлик оддий аскар Бехзод Отахонов қувончини яширолмай. — Ўзини бамисоли Гурӯғлидай ҳис қиляман. Мен бир умр ҳарбий бўлишни орзу қилгандим. Шукр, ниятимга етдим. Муддатли хизматим тугагач, шартнома асосида хизматни давом эттирмақчиман.

— «Марду майдон», «Ватанимга хизмат қиламан» каби телекўрсатувларни севиб томоша қилиб, тезроқ улғайишни, ҳарбий хизматга қақрилишни орзу қилардим. Бугун ниятимга етдим, — дейди оддий аскар Наврўз Саъдуллаев. — Худо хоҳласа, бугунги аскарлик либосимни келажакда офицерлик формасига алмаштириш ниятим ҳам йўқ эмас.

ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ЛИБОС КИЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий ўқув марказига мамлакатимизнинг турли бурчакларидан хизматга чақирилган йигитлар етиб келяпти.

— Хизматга келаётган йигитларнинг барчаси соғлом, бақувват, етарлича билимга эга, — дейди ҳарбий қисм командири ўринбосари, подполковник Турғун Холиқов. — Шундай бўлса-да, уларни яна бир бор тиббий текширувдан ўтказамиз. Ёш аскарлар ўқув

Дона ва ишбилармон аёлларимиз, уларнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўзига хос ўрни ва роли ҳақида ҳар қанча фахрлиниб сўзласак оз. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов бир шеърда аёлларни мадҳ этиб шундай ёзади: «Дунёда аёл мадҳига дoston тугамайдир, Чун ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайдир».

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

ЭЛУ ЮРТ АРДОҒИДА

Дарҳақиқат, меҳнатидан элда кадр топаётган фидойи олима, ўқитувчи, шифокор, тадбиркор аёлларимиз сони ортиб бораётгани қувонарли албатта. Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ ана шундай захматкаш аёлларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида Фафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Назира Жўраева ҳам бор. Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб баҳоланиб, «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Дарҳақиқат Назира Жўраева халқимизга илм-маърифат зиёсини тарқатишдек фойдали вазифани сидқидилдан адо этиб келаётган. Назира оланиси «ойна жон» ёки радио тўлқинлари орқали янги чоп этилган турли хил бадий адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳақида биринчи бўлиб хабар беришини кузатган бўлсангиз керак. Бу китобларнинг мазмун-мундарижиси билан китобсевар мухлисларни таништириб боради. Албатта бундай янги нашрлар ҳақидаги маълумотларни эшитган китобхон китоб дўконлари томон ошқинчи табиий.

—Китоблар мен учун жуда азиз, уларни гўё ўз фарзандларимдек кўраман,—деди Назира опа.—Янги бир китоб дунё юзини кўрса, айниқса жудаям қувонаман. Китоб бу —бир дунё ҳазина, мақсадига етар экан. Буни мен ўз ҳаётим мисолида гувоҳи бўлдим. Нашриётда иш бошлаган кезларим секин-аста китоб нашр этиш сирларини ўргана бошладим. Кичик рус мақолларини дафтарга ёзиб таржима қилишга уриндим. Бу ерда М.Мирзоидов, Х.Тўрабеков, Л.Тожиёва, М.Раҳмон, Назармат сингари устозларимдан таржима сирларини ўргандим. Маънафати кўп бўлишига қарамай, кўп йиллардан берилиб келган китоблардан фойдаланиш ва уларни қадрлаш кераклигини доимо ёшларга ўқитиб келаман. Кимки, орзу мақсади сари астойдил интилса, мақсадига етар экан. Буни мен ўз ҳаётим мисолида гувоҳи бўлдим. Нашриётда иш бошлаган кезларим секин-аста китоб нашр этиш сирларини ўргана бошладим. Кичик рус мақолларини дафтарга ёзиб таржима қилишга уриндим. Бу ерда М.Мирзоидов, Х.Тўрабеков, Л.Тожиёва, М.Раҳмон, Назармат сингари устозларимдан таржима сирларини ўргандим. Маънафати кўп бўлишига қарамай, кўп йиллардан берилиб келган китоблардан фойдаланиш ва уларни қадрлаш кераклигини доимо ёшларга ўқитиб келаман. Кимки, орзу мақсади сари астойдил интилса, мақсадига етар экан. Буни мен ўз ҳаётим мисолида гувоҳи бўлдим. Нашриётда иш бошлаган кезларим секин-аста китоб нашр этиш сирларини ўргана бошладим. Кичик рус мақолларини дафтарга ёзиб таржима қилишга уриндим. Бу ерда М.Мирзоидов, Х.Тўрабеков, Л.Тожиёва, М.Раҳмон, Назармат сингари устозларимдан таржима сирларини ўргандим.



—Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, қизларимиз орасидан энг билимли, доно, зуккорларни саралаш олиш ва шунинг баробарида улар онгига ўзбекона шарму ҳаё, ибод, қизларга хос латофат, сўзлашиш маданияти, одоб-ахлоқ каби ҳислатларни сингдиришдан иборатдир —

Дилором ИКРОМОВА

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Айни кунларда шахримиз туманларида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман бўйича саралаш босқичлари ўтказилмоқда.

Чилонзор туманида ушбу кўрик-танлов С.Сирожиддинов номи академик лицейда бўлиб ўтди. Унда тумандаги Юнус Ражабий номидаги педагогика билими юрти, Тошкент юридик техникуми, 131-мактаб, Алишер Навоий номидаги нафис санъат лицейидан 28 нафар иқтидорли қизлар иштирок этди.

—Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, қизларимиз орасидан энг билимли, доно, зуккорларни саралаш олиш ва шунинг баробарида улар онгига ўзбекона шарму ҳаё, ибод, қизларга хос латофат, сўзлашиш маданияти, одоб-ахлоқ каби ҳислатларни сингдиришдан иборатдир —

Гулчехра САТТОРОВА

Яқинда бир қўшинни учратиб қолдим. Сўхбат чоғида ўз дарду хасратини айтиб қолди. —Шу десангиз фолбин ва турли башоратчиларга ҳеч тоқатим йўқ, уларнинг бўлмағур фоллари туфайли тулпа-тузуқ оилалар барбод бўляпти. Мана менинг синглим... Аёлининг кўйиб-пишиб айтган гапларидан шунинг англадимки, кўёви савдо билан шугулланар экан. Иши оқсаб-роқ турганда, уйлариغا бир фолбин аёл келибди. —Мени сизларникига бирларим юборди. Ердимимга муҳтожсизлар,—деди. Кўёвга тумор бериб, яна аллам-балолар қилган экан, худоданми, бандаданми, иши ўнган-ниб кетибди. —Шу-шу Кундуз (фолбин) кизи билан синглимникига танда кўриб олишди. Айтгани айтган, дегани деган. Мижозларини меҳмонхонада қабул қилади. Синглим бечора чўридай хизматини қилади. Эрига: —Дадаси, сал орқа-ўнгирига қаранг. Жа... бурнингиздан ип ўтказиб олишдику. —деган экан, қайнониси бу гапни фолбинга айтибди. Шу-шу фолбиннинг синглимини кўрагга кўзи йўқ. —Уйингиздан фаришталар кўтарилай деб турибди. Ҳозир куч билан ушлаб турибман. Агар сал кўйворсам, кет-

тишса, уйингизга қашшоқлик кириб келади. Келиннингиз —хосиятсиз, ҳайдамасангиз, эртага пушаймон қиласиз,—деди фолбин ахирги келинчакни ёмон кўрсатибди. Ҳозир синглим икки боласи билан даданникида. Кўёв ойда бир хабар олмайди. Кўни-қўшилар: «Шундай кетаверса, кўёвингиз фолбиннинг қизига уйланади, бир баласи бор, нуқул машинасида илжайиб ўтиради», дейишяпти... Нима қилишга ҳайронмиз. Мен ўзимча сўхбатдошимга асалли б... м. Маҳаллага —хотин-қизлар комиссиясига боринг, албатта, ёрдам беришадил, дедим. Аммо шу сўхбат боис кўп бир-бирига қарама-қарши воқеалар эсимга келди. Онам раҳматли бир гап айтгандилар: —Эшингиз остидан игна топдим, болам. Қулма, бир пайтлар мен ҳам қулардим. Аммо бир дугонанинг эри уйдан кетиб қолди. Нафаси эёр домла бор, дейишди. Уртоғимга

раҳим келиб бирга бордим. Ўзим мулқало ишонмас эдим. Домла дугонани рўпарасига ўтказиб, узоқ дуо қилди. Қўлига нималардир бериб, неларидир тайинлади. «Агар айтганимни қилсангиз, йигирма кун ўтиб, йигирма биринчи кун бош эгангиз уйингизга кириб келадил», деди. Сенга ёлгон, менга чин... домланинг айтган кун эри оиласига қайтди. Мен онамга ишонмасликка ҳақим йўқ бўлса-да, буни тасодифга йўқандим. Аммо ҳаётда ундан-бундан шунга ўхшаш воқеаларни эшитиб қоламан. Бунинг устига илм ҳам қандайдир одамларда гайритабиий қувват борлигини рад этмайди. Аммо озми-кўпми ҳақиқатга сиёсий, фолбинлик, башоратчиликка даъвогарлар кўпайиб бораётгандай, назаримда. Шу кунларда Ўзбекистон телевиденисининг «Ёшлар» телеканалда намойиш қилинаётган «Гадалупе» сериалидаги Ританинг «башорати» кўпимизга яхши таниш. Бизда ҳам шундай сохта «башоратчилар» йўқ, деб ҳеч ким қафо-

лат беролмайди. Менимча, биоқуввати бор, нимагадир қодир инсонлар бирова ёмонлик тиламас керак. —Ҳақиқий гайб илми бор одам бўлмаслиги билан шугулланмайди. Совутидан, йўлини бойлайдиган иш қилмайди, —деган эди менга хоразмлик бир башоратчи. —Ва ҳеч қачон хизматига баҳо бичмайди. Мана бунча пул берсан, дедими —у фарибгар... Биоқувватга эга, руҳий таъсир кўрсатиш лаёқати бор одамлар билан фарибгарларни қандай ажратса бўлади? Ахир, уларнинг қай бири кунора эшигимизни тақиллатиб келади, қай бири ўз уйда, қай бири бежавотирроқ гўшада миқоз қабул қилапти... Менимча, инсоннинг асосий куч-қудрати ўзида. Ўз ақли, фаросатида. Рост, баъзи мушкулотлар қаршида у ўзини заиф сезади, бир оғиз таскин излайди атрофидан. Аммо таскин асосийси эмас. Асосийси —унинг ўзи. Ўзи уринмас, ўзи ҳаракат қилмас, унинг муаммосини биров ҳал қила олмайдил. Ўз муаммоларидан жуда бўлса ёнидагилар, дўстлари ёрдамида чиқиб кетган одамда алданиш иллати камроқ бўлади.

Кутлибека РАҲИМБОВА

ЗАҲМАТКАШЛАРИМИЗ

Аёл. Оиланинг сариштали, фаришта бекаси. Ҳаётнинг гулгун париваш соҳибжамоли, болаларнинг меҳрибон онажони, жамиятнинг фаол интилувчан зукко жонқури.



ЭЗГУЛИКНИНГ ГУЛТОЖИ

Аёллар ҳислату фазилатини санаб адоғига етиб бўлмайди. Қўйида ана шундай ажайиб, тиниб-тинчимас, маҳалла фидойиси Муҳаррам опа Юсупова ҳақида хикоя қилмоқчимиз. Шаҳримизнинг «Оқлон» маҳалласида вояга етган Муҳаррам Юсупова ёшлигиданоқ илмга чанқоқлиги, изланувчан, интилувчанлиги билан болалар орасида ажралиб турарди. Ешлигидан ўқитувчи бўламан деб қатъий аҳд қилиб, бутун куч-ғайратини ўз мақсадига эришиш йўлида сарфлади. —Ҳаётимнинг мазмунини шў ёшлар, улрасиз борлигини ҳис қилолмайман. Агар умрим давомида юртимга, халқимга озгина бўлса ҳам нафим теккан бўлса мен ўзимни бахтиёр сезаман,—деди опа. —Ҳа, дарҳақиқат оиланинг умр дафтарларини варақла-сангиз фақат эзгулик нурларини кўрасиз. Бу жонқуяр аёл бир қанча дарсликлар, илмий мақолалар, шёрлар муаллифидир. Муҳаррам Юсупова Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика таълим маркази ўқув-услубий кенгашларининг фаол аъзолари-ридан. Бошланғич таълим, ана тили стандарти дастур ва дарсликлар бўйича эксперт комиссиясининг раиси. Шунингдек ўзини истико-мат қиладиган «Катта Қазни» маҳалласида хотин-қизлар комиссиясининг раисаси. Жорий йилда шаҳарда ўтказилган «Энг яхши маҳалла хотин-қизлари комиссияси раисаси» танловида Муҳаррам опа голиб деб топилди.

—Ҳа, бу аёл оилада, маҳаллада, ўзи ишлаётган масканда ҳам катта ҳурмат-об-рўнга эга. Биз ҳам орамизда шундай илгор, жонқуяр аёлларимиз борлигидан доимо фахрланамиз. Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Муҳаррам опа Юсупова.

Аёл борки, олам мунаввар ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛАДАРИ Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

ТАНЛОВЛАР ОИЛАМ СОҒ БЎЛСА, МАҲАЛЛАМ ОБОД

Оила — жамият гултожи. Унда униб-ўсиб келаётган фарзандлар ана шу жамиятнинг эртанги кунини, порлоқ истиқболларини, уларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишлари эса оилада олаётган таълим-тарбиялари, одоб-ахлоқ борасидаги билимларига боғлиқ.



Юнусобод туманида бўлиб ўтган «Оилам соғ бўлса, маҳаллам обод» кўрик-танловининг якуний босқичи ҳам айнан фарзандлар камоли, соғлом оилавий муҳит, тиббий саводхонлик каби мавзуларни ўз ичига олди. Туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ва туман ҳудудий тиббиёт бirlашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг илк босқичи аввал маҳаллаларда ўтказилган бўлиб, унда 30 нафар билимдон, чаққон, зойрак, пазанда келинлар 6 та шарт бўйича ўзаро беллашган эдилар. Улар орасидан ўзининг ҳозиржавоблиги, пишик-пухта билими, зуккорлиги билан ажралиб чиққан 6 нафар голиблар туман босқичида беллашиб бахтига мўъассар бўлдилар. —Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсадимиз она ва бола саломатлигига эътибор қаратишдир,—деди туман оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимининг бош мутахассиси Гулчехра Досметова. —Оилаларда тиббий саводхонликни ошириш, санитария-гигиена қондаларига амал қилиш, ёш оила бекларини ҳаётга тайёрлаш, спорт билан уйғунлик, энг асосийси соғлом оилада—соғлом фарзанд туғилишини кенг ташвиқ қилиш каби ташкил қилади. «Обод маҳалла йили» дастури ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий саводхонликни ошириш, аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга

Ҳазини қишани АЁЛ

Аёл нима ўзи ипакми дейман, Тўқувчи чархидан эшилди чиққан. Аёл фариштами, малакми дейман, Оппок қанотини самодга силккан.

Аёл нима ўзи, куйми, садомми? Юраклар тубида гирён айлаган. Аёлининг ҳуснини матога чизиб, Не-не мусаввирлар ҳайрон айлаган.

Аёл боғ ичида битган чечакми, Муаттар ислари ҳўшини олган. Сехрлар жодуми аёл чехраси, Бошинга муҳаббат ташвишин солган.

Бир боксанг, унчалик гўзалмас бири, Сўхбатини олсанг, тилин боқ дейсан. Хиром айлаганда куйга, қўшиққа, Сарвидек қоматин худди топ дейсан.

Ипакми ёки пар деганим ёлгон, Харсанг бор, пўлат бор иродасида. Бир боқинг, бошингиз айлиб кетар, Сехр бор, жоду бор ифодасида.

Аёлининг фарзандга меҳрини бериб, Тубсиз уммонларга қиёс айлади. Дунёнинг аламин энгин деди-ю, Қирқ битта жонини шикор сайлади.

Аллоҳ яратганда аёл зотини, Бир чимдим бағридан қўшганлиги рост. Ширин тилларининг тағига албат, Бир мисқол захардан қўйганмиш холос.

Баъзида аёлининг меҳридан қочиб, Чойхона, гап-гаштак истаса эркак. Тилининг захрини соғиниб қолиб, Ярим тунда уйга қайтгуси бешак. Майлига, ҳаммаси ўткнчи дунё, Дунёдек юрак бер аёл зотиға. Аёлин бир умр ардоқлай олсин, Пўлатдек сабот бер эркак зотиға. Муаттар ҲАМРОЕВА.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Аёллар кўпинча юзларини озиклантирувчи, оқартирувчи, ажиндан сакловчи никоблар билан парвариш қилишга эътибор беришади, аммо кўл парваришига унчалик аҳамият беришмайди. Куйида уй шароитида кўларингизга қандай муолажа қилишни тавсия этамиз. Кун бўйи кўларингиз тиним билмай қанчадан қанча юмушларни бажарадил. Гоҳида кир ювиб бўлгач қўлга озиклантирувчи крем суртишга ҳафсала қилмайсиз. Натижанда кўл терисига эрта ажин тушиб, майинлиги йўқолади, тез қарийди. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун иччамгина тоғорачага тайёрланган суяқ мой-чечак дамламасини куйиб, бир кичик қошиқ чой

содаси солиб, совун кўпиртиринг. Яхшилаб ювилган кўларингизни 10-15 дақиқа солиб туринг. Кейин сalfетка билан артинг. Сўнг 150 грамм кунгабоқар ёғига қўлингизни ботириб ёлганг. 15-20 дақиқадан сўнг salfеткага шимдириг. Қўл терисига ҳар хил озиклантирувчи никоблар қўйиш лозим. Бунда қаймоқли никоқ жуда фойдали. Укроп, петрушка ва отқулоқни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, озгина қаймоқ аралаштириб, кўларингизга бармоқ учидан юқорига қарата бир текис суртиб 20-30 дақиқадан сўнг илиқ содали сувда ювинг. Бундай муолажани ҳафтада икки марта қўллаб турсангиз, кўларингиз юмшоқ ва майин бўлади. Унутманг, аёлларга зеболик ярашади.



Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТганиб
Домо бўлур...

• Асаларилар куёш чиқиши биланоқ ўз инларидан чиқиб гулзор ва боғларга: узоқ-узоқ жойларга учиб кетишади. Гуллардан гулларга ўтиб асал йиғишади, сўнг уйларига қайтиб келиб йиққан нарсаларини тартибга солишади. Натижада жуда поклик ҳисобланган асал вужудга келади. Асалнинг барча нарсасдан покчилиги унинг зўр машаққат туйфайли топилишидадир.

Инсонларнинг ҳам интилиши ва уриниш туйфайли қилган нарсалари беҳад ширин эканлигини таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Асалариларга қарама-қарши ўлароқ чумакарилар жуда танбал бўлишади. Фақат бугунни ўйлаб, қорин тўйдириб пайда бўлишда, ёз ва баҳор пайтларида ҳар хил яхши жойларда учиб ўйнаб вақтларини ўтказадилар, киш учун лозим бўладиган овқатларини йиғиш тадбирига киришмайдилар. Натижада киш келиши ва совуқ тушиши билан ўз танбалликларини сабабли қирилиб кетадилар.

Демак, ишлаш ва меҳнат қилиш керак бўлган пайтда вақтларини танбаллик билан ўтказган кишилар нафақат оғир кийинчиликларга балки ҳалокатга маҳкум бўладилар.

• Меҳнат ва роҳат инсон ҳаётининг икки муҳим шарт — шахсий ва ижтимоийликни ташкил этади.

• Фақат меҳнатгина одамнинг қалбига тиниқлик, мутаносиблик ва ўз-ўзидан қаноат туйғусини олиб кириб уни бахтиёр қилади.

Ҳаётда энг асосийси меҳнатдир. Ҳамма касофатлардан, ҳамма кийинчиликлардан фақат бир йўл — меҳнат билан қутулиш мумкин.

Дунёдаги ҳамма шодлик, ҳамма эзгуликларнинг манбаи меҳнатдир.

Бир ишбилармон ва меҳнаткаш кишидан:

— Ночор ва ожиз киши қандай бўлади? — деб сўрадилар.

У киши шундай деди:

— Ночор, ожиз, дангаса, ялқов киши шундай кишики, оилани боқишда, нарса топишда суст бўлади. Файрати кам, Ҳиммати паст бўлади. Хотини ёнидан чиқмайди. Уйда ўтираве-ради.

• Ишламоқ, ишламоқ ва доимо меҳнат қилмоқ керак. Акс ҳолда, тирикликдаёқ моғор босиб қоласан.

• Ҳаёт кемаси меҳнат лангарига сунмас, ҳамма шамоллару довулларга дош беролмайди.

Бир донишманд айтди: меҳнат ҳаёт қонуни эканини болалигиданоқ билиб олган, нон пешона тери билан ундирилишини ёшлигиданоқ тушунган одам жасорат кўрсатишга қодирдир. Чунки зарур кун ва соатда у жасорат кўрсатишга ўзида ирода ҳам ва бунга куч ҳам топа олади.

КЎМАК ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

Тошкентда "Ахборот технологиялари соҳасидаги касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак" мавзuida кўргазмалли илмий-амалий семинар ўтказилди. Анжуман республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

2002 йилнинг 6 июнида республика Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди. Унда белгиланган вазифалар юзасидан бугунгача кўпгина ишлар амалга оширилди. Эндиликда Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти республика ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан амалга ошириладиган "Ахборот технологиялари соҳасидаги касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак" лойиҳаси ҳам айна қарор талабларининг бажарилишини таъминлайди.

— Дунёнинг турли мамлакатларида касб-хунар таълими тизимига янги лойиҳаларни татбиқ этиш билан шуғулланаман, — деди германиялик мутахассис Томас Люкс "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ўзбекистон-

да иш бошлаганимга икки ой бўлди. Бу ердаги ишим ахборот технологиялари соҳасида учта янги мутахассисликни яратишдан иборат. Ўзбекистоннинг жадаллик билан ривожланаётганлигига барчамиз гувоҳимиз.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 19 миллион 969 минг еврони ташкил этиб, унинг 9 миллион еврога яқини Германия, қолган қисми эса Ўзбекистон томонидан ажратилади. Лойиҳа тўрт йил давомида ўқув юртларини жиҳозлаш, ходимларнинг малака оширишларини таъминлаш борасида иш олиб боради.

Семинарда шунингдек коллежларда тахсил олаётган бўлажак кадрлар юзасидан баъзи масалалар келишиб олинди. Ҳозирча республикамизнинг турли вилоятларидаги 16 та коллежнинг молиялаштирилиши кўзда тутилмоқда.

"Тошшаҳарйўловчитранс" Давлат уюшмасига қарашли 8-автобус саройи иш бошлаганига 20 йил бўлди. Шаҳримизда замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган мазкур корхона шу ўтган давр мобайнида ҳар томонлама мустаҳкамланиб, йирик транспорт саройига айланди.

АВТОСАРОЙ 20 ЁШДА

Уюшма томонидан рўёбга чиқарилган талайгина техникавий янгиликлар шу масканда юзага келди. «Мерседес-Бенц» русумли автобусларнинг дастлабкилари шу саройда синаб кўрилиб, кўплаб йўналишларга чиқарилиди.

Бу хилдаги транспорт воситасини тўла

таъмирлаш мақсадида сервис хизмати маркази ҳам очилди. Унда орттирилаган бой тажрибалар эса бошқа таъмирлаш участкаларида кенг қўлланилмоқда.

Бу сана транспортчиларнинг шодиёнаси сифатида байрам қилинди.

Акбар АЛИЕВ

Маълим
ТАНЛОВ
ФОЛИБИ БЎЛДИ

Трикотаж технологияси ва дизайн-тўқимачилик санаетида ўзига хос муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу соҳанинг ёш мутахассисларини тайёрлашда Тошкент тўқимачилик ва энгил санает институтида бой тажрибалар орттирилмоқда.

Олий ўқув юртида трикотаж ўқув-ишлаб чиқариш лабораториясининг ташкил топиши ҳам айна мурдадо бўлди. Унда амалга оширилаётган техник тадбирлар ҳам бўлажак мутахассислар амалий кўникмасини ўстиришга ўз ижобий таъсири кўрсатмоқда.

Институтнинг механикавий-технология факультети декани, профессор Мирафоз Муқимовнинг «Трикотаж технологияси» дарслиги эса талабалар учун қўлланма бўлиб қолди. Шу йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи республика танловида бу китоб биринчи ўринли мукофотга сазовор бўлди.

Изланувчан олим дарсликлар электрон талқинини яратишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Бу каби жўшқин ўқув-педагогик фаолияти учун олий ўқув юрти илмий кенгашининг навбатдаги йилгили қарори билан профессорга «Энг яхши декан» деган фахрлий ном берилди.

Муродбек АЧИЛОВ

Ўткир респиратор касалликлар гуруҳига кирадиган инфекциялар турли этиология омилига эга.

Уларнинг аксариятини вируслар, бир қисмини бактериялар, кам ҳолатларда микоплазмалар қақиради.

Грипп кўзгатувчиси вирусдир. Грипп вирусининг А, В, С каби бир неча турлари маълум бўлиб, улар тез юқувчанлик ва аҳоли ўртасида тез тарқалиш хусусиятига эга. Буни вирусни бемордан соғлом одамга осонлик билан, яъни гаплашганда ҳаво-томчи йўли орқали ўтиши билан изохлаш мумкин.

Бемор ишлатган сочик, идиш-товоқлар ва йиқинчоқлардан фойдаланилганда ҳам касаллик соғлом одамга юқиши мумкин.

Гриппга одамларда мойиллик юқори, шу сабабли оилада бемор бўлса, эҳтиёткорлик чоралари кўрилмаса, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмаган бўлса, аксарият ҳолларда оиланинг ҳамма аъзолари касалланидилар. Грипп касаллигининг тез тарқалиши ва қисқа муддатда оммавий тус олиши каби хусусиятлари мазкур касаллигининг олдини олишга алоҳида эътиборни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, барча юқумли касалликлар таркибиде, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар биринчи ўринни эгаллайди. Бу касалликлар кишиларнинг энг кўп ишга лаёқатсизлик ҳолатига сабаб бўлиб, уларнинг саломатлигига ва шахар иқтисодиётига катта зарар етказилади. Бундан ташқари грипп билан касалланиш организмнинг иммун тизимини куч-

сизлантиради, шу сабабли аксарият грипп билан оғирганда илгари ўзини намоён қилмаган сурункали касалликлар юзага чиқади.

Бунда ўпка, жигар, юрак, буйрак ва бошқа органларнинг сурункали касалликлари кўзгалиши мумкин.

Касаллик юққанидан сўнг ва унинг белгилари пайдо

нади. Ёш болаларда касаллик давомида тез тиббий ёрдамни талаб этадиган «ёлғон круп» келиб чиқиши мумкин.

Гриппга қарши кураш 2 та йўналишда олиб борилади:

Соғлом аҳолини бемор билан мулоқотда бўлишдан ҳимоялаш ва кишининг ин-

тозалаб туриш керак. Беморнинг ишга, меҳмонга, қабул маросимларига бориши қатъиян таъқиқланади. Касалликнинг биринчи белгиларини пайдо бўлган заҳоти, уни ўрнига ёқизиби, уйга шифокорга чиқариш керак. Гриппга қарши организмнинг қаршилигини ошириш учун профилактика мақсадида эмлаш ўтказиш керак. Бу энг самарали ҳимоя чорасидир.

Эмлаш октябр-ноябрь ойларида, яъни эпидемия олди-дан ҳар йили ўтказилиши лозим. Ҳозирги кунда «Инфлювак», «Ваксигрипп» каби янги туркумдаги самарали вакциналар ишлатилмоқда.

Эмлаш воситаларини таъсирчанлигининг энг асосий шарт — унинг оммаяйлигидир. Шунинг учун ҳам ишчи-хизматчиларнинг фаолияти аҳолига хизмат кўрсатиши билан боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари вакцина сотиб олиш чораларини кўриб, бу хавфи касалликдан уларни ҳимоялашлари керак.

Кўп йиллик кузатувлар гриппга қарши эмлаш доволашга нисбатан анча арзон эканлигини кўрсатмоқда. Организмнинг гриппга қарши қаршилигини оширишда кундалик овқат рациониде дармондориларга бой таомларни кўпайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

В. МУТАЛОВА,
Тошкент шаҳар
Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач ўринбосари.

• ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ГРИПП
КАСАЛЛИГИДАН
ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ҳар йили куз-кўп мавсуми бошланиши билан ўткир респиратор касалликлари кўпая бошлайди. Ушбу гуруҳга грипп касаллиги ҳам кирди. Ҳамма ўткир респиратор касалликларига, шу жумладан гриппга юқори нафас йўллариининг зарарланиши характерли бўлиб, лекин грипп оғирроқ ўтади ва кўп ҳолатларда айниқса болаларда, 60 ёшдан юқори бўлган қарияларда асоратларни келтириб чиқаради.

бўлгунча бир неча соатдан 2 суткагача вақт ўтади. Касаллик бирдан бошланади. Биринчи куннинг ўзида беморнинг тана ҳарорати 39 ва ундан юқори даражада кўтарилди. Бемор этининг увишиши, ҳолсизлиги, бош оғриги, бутун танасининг қашқаб оғриётганлиги ва иштаксининг йўқлигидан шикоят қилади.

Аксарият ҳолларда, лекин ҳамма вақт ҳам айниқса болаларда қусиш, томир тортиши ҳолатлари бўлмайди. Барча беморларда йўтал пайдо бўлади, қоида бўйича оғрикли бўлиб, кейинчалик эса тумов юзага чиқади. Касаллик асоратсиз кечганда бундай ҳолат 3-4 кун давом этади. Асоратли бўлганда эса узоқроқ давом этади.

Асоратлардан аксарият ҳолларда трахеобронхит, ўпка шиши ва ўрта қулоқнинг шамоллаши ривожла-

фекцияга қаршилигини ошириш.

Биринчи кураш усулини қўллаш учун соғлиқни сақлаш ташкилотлари тана ҳарорати баланд бўлган беморларга уларнинг уйларида хизмат кўрсатиш чораларини кўрадилар. Уй шароитида беморни албатта алоҳида хонага жойлаштириш керак. Бундай шароит бўлмаса беморни парда билан тўсиш лозим бўлади.

Бемор йўталганда, аксариятда оғзини ва бурнини рўмолча билан беркитиш керак. Рўмолчаларни ишлатгандан сўнг албатта қайнатиш лозим. Беморга қараётган кишининг 4 қаватли доқа ниқоб тақийи ва уни ҳар 3-4 соатда алмаштириши, қўлини тез-тез совун билан ювиб туриши тавсия этилади.

Хонани хлор моддаси бор 0,5 фоизли эритма билан ҳўллаш усулини қўллаб

Ўзбекистон — умумий қиймиз

САНЪАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИЛАР



Санъат — тинчлик, дўстлик тимсоли. Дилни дилга боғловчи сеҳрли кўприк. Санъат — халқларни қайси миллат ва элатлигидан, тили, динининг бошқалигидан қатъи назар бир-бирига яқинлаштиради, ҳамкор, ҳамдўстга айлантиради.

Мана бир неча кунки Республика Байналмилал маданият марказида «Ўзбекистон — умумий қиймиз» шиори остида миллий-маданий марказларнинг маданият ва дўстлик фестивалининг шаҳар босқичи муваффақият билан давом этмоқда. Шаҳримизда жойлашган ҳар бир марказ ўзининг миллий урф-одатларини ўзида мужассам этган, дўстлик ва тинчликни тараннум этувчи катта байрам томошалари билан чиқиб ушбу фестивалнинг янада жонли ўтишига хисса қўшмоқдалар.

— Бугунги концерт дастурида татар, бошқирд, қрим-татар маданият марказларининг «Булгар», «Яшлик» каби, шунингдек Т.Содиқов номидаги шаҳар маданият уйи, Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» номли маданият уйи ва «Отуш» бадийи жамоалари иштирок этмоқда, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдурасул Абдуғаниев. — Қўшиқ ва рақсларнинг ранг-баранг гулдастасини қўрганганда ижрочиларнинг ҳақиқатан ҳам санъат шайдоси эканлигига иймон келтирасан. Ўйлайманки, самимийлик, тоза ва соф муҳаббат, дўстлик ва тинчликни тараннум этув-

чи ушбу фестиваль кўп миллатли, тотувлик маскани бўлмиш давлатимиз равнақиға муносиб хисса бўлиб қўшилади.

Томошабинларнинг қизгин қўллаб-қувватлашлари, нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг ўткир нигоҳи остида ўз миллий-маданий марказлари номини нафақат шаҳарда, балки Республикада ҳам муносиб кўрсата олишга ҳаракат қилаётган бадийи жамоалар



ижросидаги куй-қўшиқлар, айниқса «Байрам», «Ергула», «Булбул» каби шўх қўшиқлар, миллий рақслар барча-барчаға маъқул бўлди десак адашмаймиз.

Биз ўзининг жозибадор рақслари билан томошабинлар меҳрини қозонишға улгурган татар миллий-маданий марказининг «Булгар» бадийи жамоасининг айрим

иштирокчиларини суҳбатға тортдик.

Динара ЭСАНОВА:

— Рақсға тушишни жон-дилимдан севаман. Раҳбаримиз Римма Гизатуллина бошчилигида фестивалға катта тайёргарлик билан келганимиз. Насиб қилса, Республикаға чиқши ниятимиз бор.

Нилуфар КАЛИМУЛИНА:

— «Булгар» бадийи жамоасиға қатнаётганимға 2 йил бўлди. Шу ўтган вақт ичида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Ҳаётға бўлган муҳаббатини рақсларимда ифода этгим келади. Бутун дунёда ҳамиша тинчлик бўлиши, она — Ўзбекистонимиз ҳамиша гуллаб-яшнашиға тилақдошман. Ҳа, барча яхши ниятли инсонларнинг тилағи битта: юртимизда тинчлик, ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамиша ҳукмрон бўлсин.

Тадбир сўнгида барча иштирокчилар, жумладан швейцариялик меҳмон, «Отуш» бадийи жамоасида миллий рақс санъатини ўрганаётган, даврада чиройли рақслари билан иштирок этган Кэти Данела шаҳар ҳокимлиғи, Яққасарой ва Сергели туманлари ҳокимликларининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шаҳноза МАҲМУДОВА

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон — умумий қиймиз» шиори остида ўтаётган дўстлик фестивалидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

• ТАДБИРЛАР

АТРОФЛИЧА ФИКР ЮРИТИЛДИ


«Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор тумани бўлими ташаббуси билан «Миллий истиқлол гоёси: Назария ва амалиёт» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Шаҳар Сил касалликлари диспансерида ўтказилган ушбу тадбирда иштирок этганлар мавзу доирасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, тадбирда сўзға чиққан ҳуқуқшунос Маъруф Усмонов Миллий истиқлол гоёсининг аҳамияти, хусусан, унинг амалиётдаги ўрни ҳақида таъкидлади. Шунингдек, Миллий истиқлол гоёсини ёшлар онгига сингдиришға бўлган эътибор кучайтирилиши кераклиғи хусусида атрофлича тўхталди.

Тадбир давомида мазкур шифона ходимлари ҳам фикр ва му-

лоҳазаларини баён этдилар. Эътиборли томони шундаки, шифокорларнинг таъкидлашича, беморларнинг аксарият қисми ёшлар экан. Дарҳақиқат, турли номақбул ишларға қўл уриб ёмон йўлларға кириб гиёванд моддаларини истеъмол қилаётган ёшлар ҳозир оз эмас. Давра суҳбатида иштирок этганларнинг кўпчилиғи ёшларнинг онгига Миллий истиқлол гоёси, Ватан тўғусини сингдиришға кўпроқ аҳамият берилиши лозим деган хулосаға келдилар.

Юлдуз УСМОН



Бувижоним — меҳрибоним.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНЛИК ОПЕРАСИ

«Жалолиддин Мангуберди» деб номланган янги опера асарни яратилди. Ўзбек миллий қаҳрамони Мангуберди кўрсатган жасоратларнинг бу мусиқали сахнавий талқини республикамиз мусиқа жамоатчилиғи томонидан яхши баҳоланди.

— Ушбу опера Ўзбекистон халқ артисти, таниқли бастакор Икром Акбаровнинг кейинги йилларда олиб борган ижодий изланиши маҳсулидир, — деди Ўзбекистон бастакорлар уюммаси раиси Рустам Абдуллаев. — Таниқли шоир ва драматург Максуд Шайхзоданин «Жалолиддин Мангуберди» деб номланган драмаси янги мусиқа асарни учун асос қилиб олинди.

Операда тарихий воқеалар мусиқа оҳанглари билан уйғунлашиб, яхлит бир бадийи композицияни ташкил этади. Миллий қаҳрамонлиқни улуғловчи тароналар тингловчида кўтаринки руҳ уйғотади.

Жалолиддин Мангуберди операси партитураси А. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик театри томонидан қабул қилиб олинди. У келгуси йили сахна юзини кўради.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, бастакор И. Акбаров тарихий мавзуда яна бир йирик мусиқа асарини ёзиб тугатди. Исом таълимотининг буюк номоёндаси Баҳроуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятиға бағишланган бу оратория Ўзбекистон давлат консерваториясида уюштирилган концертда ижро этилди.

«Туркистон-пресс»

Турфа олам

КўП ТИЛ БИЛГАН ОДАМ

Ўзга тилларни библиши қанчалик яхшилигини таърифлаб ўтиш қийин. Бу борда 39 ёшли Вилли Мельников ўзининг гайритаббий иқтидори билан доврўғ солди. Одатда одамда гайритаббий хислатларнинг юзаға келишиға фавқулодда ҳодисалар (яшин уриши ва бошқа) сабаб бўлиши ҳам мумкин. Маълумотларға қараганда, Вилли Мельников беш-ўн эмас, нақ 95 тилни библиши билан ажралиб туради. Ҳўш, одам ақли бовар этмайдиган, бундай истеъдод эгасининг тилсимоти нимада?

Виллининг турфа тилларни библишиға ўз даврида Афғонистондаги жанг жаддалар сабаб бўлган экан. Чунончи, 1985 йилнинг 22 ноябрида Вилли хизмат қилган бутун взвод аскарлари нобуд бўлдилар, унинг ўзи эса клиник ўлимни бошидан кечиради. Хирот шаҳри ёнида бўлган бу фожеани Вилли иккинчи туғилиш деб билади. Ана шундан сўнг, унда ўзга тилларни ўрганиш хислати, пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Унинг айтишича, тўрт ёшға тўлганида лотин тилиға кизиқиб қолади, саккизинчи синфға келиб яна икки скандинавияликлар тилини ўрганади, немис тилини эса яхши билади. Ана ўша фожеали кундан сўнг тилларни ўрганиш қуйилиб келаверди.

Гиннеслар рекорди китобиға киришида унға учта нуфузли тилшунослар атрофлича синаб кўрганларидан сўнг фатво берилганлигини айтади.

ҚОБИЛИЯТИГА ЁҚА УШЛАЙСИЗ

Италиялик Жозеппе Каспир Меццофанти Ватиканнинг буюк тилшуноси сифатида таърифланган. У 1774-1849 йилларда яшаган бўлиб кардиналлик қилган. Маълумотларға қараганда, Каспир Меццофанти кўп тилларни тўла-тўқис билган. Жумладан у 60 тилда муфассал гапирга олган. 114 тилдан таржима қила олган.

Маннон НАБИЕВ тайёрлаган.

Спорт

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА — КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Шотландиянинг Глазго шаҳрида нафис спорт тури ҳисобланмиш бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган моҳир спортчимиз Оксана Чусовитинага омад кулиб бокди. Кўлаб мамлакатлар вакиллари орасида муваффақиятли катташиб маҳоратини намойиш эта олган Оксана кумуш медални кўлга киритди.

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

Шаҳримиздаги «Пахтакор» стадиони теннис кортларига ўсимлар ўртасида «Олимпиада умидлари» турнири бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида теннисга қизиқувчи, иқтидорли ёшлар иштирок этишиб фолиблик учун астойдил кураш олиб боришди. Мурсасиз ва қизиқарли кечган мусобақалар якунида голиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари топширилди.

АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

Келажагимиз ворислари бўлиши ёшларимизнинг маънан етуқ, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида спортни ривожлантиришнинг уч босқичли тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» ўйинлари ўтказиб келинаётганлиги ҳаммага маълум. Кунги кеча эса пойтахтимизда Республика харбий лицейлари талабалари ўртасида ташкиллаштирилган «Амир Темуравллодлари» турнири мусобақалари бўлиб ўтди.

Спортнинг футбол, энгил атлетика, аркон тортиш йўналишлари бўйича уюштирилган беллашуварда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан ташириф буюрган 150 дан ортиқ ёш спортчилар ўзаро кураш олиб боришди. Мурсасиз, қизиқарли, кескин курашларга бой кечган бахслар якунида бошқалардан кўра чаққонроқ, тезкорроқ ҳаракат қилган, бор маҳоратини ишга сола олган Фаргона вилоят харбий лицейи жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Тошкент харбий лицейи жамоаси спортчилари иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринлар билан кифолашилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Спортимиз юлдузлари

МУВАФФАҚИЯТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Шу йил сентябрь ойининг охирида Тошкентдаги «Динамо» спорт жамияти вакили Илья Сагиров Қозоғистоннинг Уралск шаҳрида самбо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш нишон соҳиби бўлди.

Албатта, йигирмата мамлакатдан 307 нафар спортчи қатнашган нуфузли мусобақада иккинчи ўринни эгаллашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун спортчидан ўз олдига қўйилган мақсад йўлида барча қийинчиликларни энгиб ўтиш, сабот ва матонат хислатлари талаб этилади. Ильянинг спортдаги ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, унинг келгусида жаҳон миқёсида энг кучли самбочилардан бирига айланиши учун барча шарт-шароитлар мавжудлигининг гувоҳи бўлаемиз.

Илья Сагировнинг самбодаги фаолияти 1996 йилда «Гулистон» болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳида бошланди. «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссадорлик жамияти раҳбари Виктор Кучеров, корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Абдували Отажонов ҳамда ёзги оромгоҳ бошлиғи Анатолий Гаврилиннинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу оромгоҳда ишчи-хизматчилар болалари селоматлигини мустаҳкамлаш ва спортчиларни тайёрлаш учун барча шароитлар таъмин-

ланганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Шу оромгоҳда Илья ўзининг бўлгуси мураббийси Роман Шокиров билан танишиб қолади. Самбо бўйича устоз бу ерга ўз гуруҳидаги болажонларга яққулаш сирларини ўргатиш мақсадида келганди. Ушбу учрашув Ильянинг келажак тақдирини ҳал этди. У самбо секциясига ёзилиб, мазкур спорт турига меҳр қўйди.

Бутун куч-икмониятларини ишга солган ҳолда машаққатли машғулотларда қатнашиб, тажрибали мураббийнинг зарур ўғитлари тез орада ўз мевасини берди. Умидли ва иқтидорли самбочи 2001 ва 2002 йилларда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатларида икки бор олтин нишонларни кўлга киритди. Ниҳоят, жаҳон чемпионатида кумуш медалнинг ҳам соҳиби бўлди. Эндиликда Ильяни катталар ўртасидаги мусобақаларда галабалар кутмоқда.

— Илья одамлар билан тезда тил топшиб кетадиган, ёшларга ва катталарга ёрдам бе-



ришга доимо тайёр, ўз устидан тинимсиз ишлашга қодир йигит, — дейди у ҳақда мураббийси Роман Шокиров. — Машғулотларда у ёки бу усулни маромига етказиш учун соатлаб ишлашдан ҳеч чарчамайди. Келаси йили Тошкентда бўлиб ўтадиган самбо бўйича жаҳон чемпионатида голиб чиқишга ҳар томонлама тайёр спортчидир.

Биз ҳам Илья Сагировнинг эришган муваффақиятларидан керакли хулосалар чиқарган ҳолда жаҳон чемпионатида ҳам зафар кучишига тилақдошимиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: иқтидорли самбочи Илья Сагиров (ўртада) машғулот пайтида. Алексей Попов олган сурат.

Шахмат оламида БЎЛМАГАНГА БЎЛИШМА

Франция қироли Людовик XVI ўз даврининг энг кучли шахмат устаси Филлидорни хузурига чақиртиради ва ундан шахмат ўйнашни ўргатишни илтимос қилади.

Бир неча ойдан сўнг қирол ўз ўлими ҳақида устозининг фикрини билгиси қилади.

— Ҳазрати олийлари, — жавоб беради Филлидор, — барча шахматчиларни уч гуруҳга бўлиш мумкин, билмайдиганлар, ёмон ўйнайдиганлар ва яхши ўйнайдиганлар. Менга қолса, сизни иккинчи гуруҳга қўшардим.

ОТИНИ ЙЎҚОТСАНГ БАС

Унча кучли бўлмаган икки шахматчи турнир пешқадами билан ўйнаб, тузукроқ вазиятга эришиш мақсадида ҳам назарий, ҳам руҳий жиҳатдан тайёргарлик кўришга аҳд қилишди.

— Қандай бўлмасин тезроқ унинг отларини йўқотишга ҳаракат қил, бўлмаса ютқазсан, кургур отларини жуда яхши ўйнатади.

— Сен отини қандай қилиб ютиб олган эдинг?

— Осонгина — унинг ҳар бир отига биттадан руҳини берган эдим, у ўзини йўқотди-қўйди.


ТЕЗ ЁРДАМ

Ричард Пённинг 1844 йили Нью-Йоркда чоп этилган «Шахматчилар учун ҳикматли сўзлар ва маслаҳатлар» деган китобидашундай тавсия берилади:

Бордию, меҳмонингиз сиздан устма-уст бир неча бор мағлуб бўлган тақдирда, ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоятлангандай бўлса, навбатдаги ўйинни ютқазиб беринг, шу заҳоти тузалади-қолади.

Анвар ИНОҚОВ, шахмат шарҳловчиси. МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Уч юришда мот



Бека ШАМОЛЛАБ ҚОЛСАНГИЗ

Агар бурнингиздан сув оқса, аввал қўлингизни (тирсагингизгача), сўнг оёғингизни иссиқ сувда ванна қилинг.

Гриппга йўлиққан бўлсангиз, унга қарши дорилар ичишга шошилманг. Бир дона пиёзни қирғичдан ўтказиб,

икки қошиқ асалга аралаштирингда, ҳар икки соатда бир ош қошиқдан ичиб туринг. Чунки пиёз таркибида худди антибиотик каби таъсир кўрсатадиган моддалар бор.

Мойчечак (ромашка)ли буг бурун шиллик пардаларининг шамоллаш касалига энг яхши даво ҳисобланади. Мойчечакни қуритилгани дори-хоналарда сотилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан 2003 йилда Тошпўлатов Отажон номига берилган №02104 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 2000 йил 17 июлда Раҳмонов Бахриддин Бобоқулочич номига берилган №024211 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

oytaxt FM 107.2

INFORM FM 107.2

132-26-44 132-26-45

Кўнглиг учун муқунлиқ, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Тошкент оқшоми»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

3597 нускада босилади. Қогоғи биними А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтама»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдфаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.